Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◉ № 42 (6. 831) ◉ 1989 йил 20 февраль, душанба ◉ Баҳоси 3 тийин

# КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Комитетининг 16 февраль куни бўлган мажлисида экономикани молиявий жиҳатдан соғломлаштириш ва мамлакатда пул муомаласини мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалалар комплекси кўриб чиқилди. Иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг биринчи секретарлари, иттифоқдош республикалар Олий Советлари Президиумлари ва Министрлар Советларининг Раислари иштирок этган муҳокама чоғида ҳозирги вақтда молиявий муаммоларни ҳал қилиш партиянинг мамлакат иқтисодий тараққиётининг социал йўналишини кучайтиришга, туб иқтисодий ислоҳотни чуқурлаштиришга қаратилган йўлини изчиллик билан амалга ошириш учун биринчи даражали аҳамиятга эга бўлаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Мураккаб молиявий аҳвол, энг аввало, экономика соҳасидаги ҳал қилинмаган муаммолар юки билан, унинг экстенсив ривожлантирилгани ва олдинги даврда ишлаб чиқариш самарадорлигининг пасайиб кетганлиги билан, халқ хўжалигининг турли тармоқларидаги номутаносибликлар билан боғлиқ бўлиб, булар давлат молия ресурслари ўсишининг камайишига олиб келган.

Ўн иккинчи беш йиллик планларини ишлаб чиқиш чоғида ана шу омиллар тўла-тўкис ҳисобга олинмади, бунинг оқибатида самарадорлик ва ресурсларни тежашнинг вазиятни бирмунча ўзгартиришга имкон берадиган даражасига кўтарилишга муваффақ бўлинмади.

Ишлаб чиқариш структурасини такомиллаштириш, иқтисодий ислоҳотни изчиллик билан амалга ошириш, фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этиш йўли билан молиявий аҳволни ва пул муомаласини яхшилаш мумкинлиги таъкидлаб ўтилди. Харажатларга қарши механизмларни кенгроқ ишга солиш, ижара муносабатларини, улгуржи савдони бутун чоралар билан ривожлантириш, қурилишнинг норматив муддатларига қатъий риоя этиш ва корхоналардаги запасларни қисқартириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг натижасида бўшаб қоладиган ресурслардан бозорни халқ истеъмоллари билан тўлдириш, пул муомаласини мустаҳкамлаш учун фойдаланиш лозим.

Ана шу вазифаларнинг ҳаммасини ҳал қилиш чоғида ўтмишдан ҳам, сўнгги йиллардаги практикадан ҳам хулоса чиқариб олиш, ҳаракатларимизни реал имкониятларга мувофиқлаштириш, бунда илмий таҳлилга таяниш муҳимдир.

Кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар белгиланди, бу тадбирларнинг амалга оширилиши экономика, молия ва пул муомаласидаги салбий тенденцияларни яқин йиллар ичида тўхтатишга, истеъмол бозоридаги ишларнинг аҳволини яхшилашга имкон беради. Давлат бюджетининг харажатларини, энг аввало, ишлаб чиқариш соҳасига капитал маблағ сарфлашни марказлаштирилган тартибда пул билан таъминлаш, мудофаа ва бошқарувга сарф-харажатларни анча қисқартириш, асосан ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, унинг зарар келтиришини тугатиш, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг барча секторларида маблағларни сафарбар этишнинг хилма-хил шаклларидан тағин ҳам фаолроқ фойдаланиш ҳисобига давлат даромадларини кўпайтириш кўзда тутилмоқда.

Пул муомаласини нормаллаштириш мақсадида аҳолига ва кооперативларга сотиш учун 1989 йилда товар ресурсларини халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобига қўшимча равишда кўпайтириш белгилаб қўйилди. Истеъмол бозорига қўшимча равишда ишлаб чиқариш-техника мақсадларига мўлжалланган маҳсулотнинг бир қисми, ёғоч-тахта ва қурилиш материаллари чиқарилади.

Меҳнатга ҳақ тўлашни корхоналар ишининг пировард натижалари билан мустаҳкам боғлиқ қилиб қўйиш кўзда тутилди.

Мажлисда ўзини-ўзи бошқариш ва ўзини-ўзи пул билан таъминлаш негизида иттифоқдош республикаларда экономика ва социал соҳага раҳбарликни қайта қуришнинг умумий принциплари лойиҳаси кўриб чиқилди. Бу лойиҳа иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари, мамлакатнинг илмий муассасалари иштирокида СССР Министрлар Совети томонидан ишлаб чиқилган.

Лойиҳада баён этилган таклифлар халқ хўжалигига раҳбарликнинг бутун системасини демократиялашга, республикаларнинг иқтисодий жиҳатдан мустақиллиги ва масъулиятини бирмунча кенгайтиришга, Умумиттифоқ ва регионал манфаатларни уйғунлаштириб қўшиб олиб боришга қаратилганлиги таъкидланди. Ҳар бир республиканинг иқтисодий тараққиёти ва аҳоли фаровонлиги даражасининг оширилиши, унинг тасарруфидаги ресурслар билан ана шу республика хўжалик фаолиятининг пировард натижалари, унинг мамлакат ягона халқ хўжалик комплексига қўшган ҳиссасини ўзаро бир-бирига мустаҳкам боғлиқ қилиб қўйиш мўлжалланмоқда. Иттифоқдош республикалар бюджетларини тузишнинг янги механизми ана шу вазифани ҳал қилишга қаратилмоқда.

Лойиҳада ССР Иттифоқи ва итифоқдош республикалар вазифаларини белгилаб бериш, жойларда бошқарув шакллари ва усулларини такомиллаштириш, республикаларнинг турли фаолият соҳаларидаги ҳуқуқларини кенгайтиришга тааллуқли масалаларга катта ўрин берилган. Табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишда республикаларнинг ролини кучайтиришга алоҳида эътибор берилган. Белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши пировард натижада ҳар бир республика ва умуман мамлакатнинг ўзаро ҳамкорлигини чуқурлаштиришга, социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришга имкон беради. Лойиҳани кенг муҳокама қилиш учун марказий матбуотда ва республика матбуотида эълон қилиш кўзда тутилмоқда.

Мажлисда солиқ сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида жамоатчиликдан тушган таклифлар муҳокама қилинди. Кооперативларга доир таклифлар кўриб чиқилди. Бу масалани ҳал қилишни иттифоқдош республикаларнинг кўриб чиқиши учун топшириш мақсадга мувофиқ деб топилди, бу эса иттифоқдош республикаларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш ҳамда социал ва иқтисодий тараққиётга раҳбарлик қилишда уларнинг ролини кучайтириш, регионлар даражасида ўзини-ўзи бошқариш ва ўзини-ўзи пул билан таъминлаш принципларини жорий этиш юзасидан ўтказилаётган йўлга мос келади.

Мажлисда Л. Н. Зайковнинг Югославия Социалистик Федератив Республикасига амалий визити якунлари кўриб чиқилди. ЮКС ва унинг раҳбариятининг жамиятдаги танглик ҳодисаларини бартараф этиш, партия, сиёсий ва иқтисодий системалар ислоҳотини амалга оширишга доир куч-ғайратлари билан КПССнинг ўзгармас ўртоқларча бирдамлиги тасдиқланди.

В. А. Медведевнинг Руминия Социалистик Республикасига амалий визити якунлари маъқулланди. Иккала томоннинг Совет—Руминия алоқалари имкониятларидан тўлароқ фойдаланишга интилаётганлиги таъкидланди. КПСС билан РКП ўртасида Бухарестда имзоланган 1989—1990 йилларга мўлжалланган мафкуравий ҳамкорлик плани тажрибани тағин ҳам кўпроқ айирбошлаш, социалистик қурилишнинг долзарб муаммоларини муҳокама қилиш, партия ва жамоат ташкилотлари, ижодий союзлар, оммавий ахборот воситаларининг, меҳнат коллективларининг алоқаларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш учун шарт-шароит яратди.

Сиёсий бюро Н. Н. Слюньковнинг Германия Демократик Республикасига амалий визити якунларини кўриб чиқиб, ГБСП Марказий Комитети раҳбарияти билан бўлиб ўтган учрашувлар ва суҳбатлар СССР билан ГДР ўзаро иқтисодий ҳамкорлигининг асосий йўналишларини келишиб олишда муҳим қадам бўлганлигини қайд этди. Хўжалик қурилиши тажрибасини айирбошлашни кенгайтириш, фан-техника тараққиётининг устун йўналишларида ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш кооперациясини чуқурлаштириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, бевосита алоқаларни, ҳамкорликнинг бошқа илғор шаклларини кенг оммалаштириш юзасидан белгиланган қўшма тадбирларнинг аҳамияти таъкидлаб ўтилди.

Мажлисда Э. А. Шеварднадзенинг Хитой Халқ Республикасига расмий визити якунлари муҳокама қилинди. Хитой раҳбарлари билан олиб борилган суҳбатлар ва музокаралар натижасида икки мамлакат ўртасида муносабатларни яхшилаш ва ишончни мустаҳкамлаш ишида муҳим қадам қўйилганлиги, олий даражада Совет—Хитой учрашувига амалий тайёргарлик бошланганлиги мамнуният билан қайд этилди. М. С. Горбачев 1989 йил 15 майдан 18 майгача ХХРда бўлиши тўғрисида аҳдномага эришилди.

Бўлажак учрашув Совет—Хитой муносабатларини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб беради, яхши қўшничилик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун замин яратади. Шу жиҳатдан қараганда Совет—Хитой чегараси районида қуролли кучлар ва қурол-яроғларни мувозанатли равишда энг кам даражагача ўзаро қисқартириш ҳамда икки мамлакат ўртасидаги чегара тинчлик ва дўстлик чизиғи бўлиб қолишидан ҳар икки томоннинг манфаатдорлиги юзасидан музокараларни бошлаш тўғрисида принципиал келишиб олинганлиги муҳим аҳамиятга эгадир.

Пекинда бўлиб ўтган фикрлашувлар иккала томон савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш учун катта потенциал имкониятлар борлигини кўриб турганини ва бу алоқаларнинг янги шаклларидан фойдаланишга тайёрлигини тасдиқлади. Совет—Хитой муносабатларини тўла-тўкис нормаллаштириш мамлакат ва халқлар ўртасидаги муносабатларда кескинликни юмшатишга, барқарорлик ва ҳамкорликка эришишга қўшилган катта ҳисса бўлади, бу бошқа давлатларнинг манфаатларига дахл қилмайди, деб ишонч изҳор қилинди.

Э. А. Шеварднадзенинг Покистонга амалий визити тўғрисидаги ахбороти кўриб чиқилди. Совет—Покистон қўшма баёнотининг муҳимлиги таъкидланди, бу баёнотда томонлар Афғонистондаги вазиятни сиёсий бартараф этишга эришиш муддаоларини айтдилар, афғонларнинг ўз куч-ғайратлари билан тузилиши лозим бўлган кенг асосдаги ҳукуматнинг вужудга келтирилишига кўмаклашиш ниятларини тасдиқладилар.

Шу билан бирга совет қўшинлари Афғонистондан олиб чиқиб кетилиши билан Афғонистоннинг ички ишларига аралашиш учун Покистон территориясидан фойдаланишга, айниқса йўл қўйиб бўлмаслиги таъкидланди. Покистон маъмурлари афғон оппозицияси асир олган Совет ҳарбий хизматчиларини тезроқ озод қилиш ва Ватанига қайтаришга кўмаклашамиз, деб берган ваъдаларига амал қиладилар, деган умид билдирилди. Афғонистонда вазиятни адолатли ва тўла нормаллаштириш Совет—Покистон муносабатларининг янги марраларга чиқиб олиши учун қулай шароит яратган бўлур эди.

КПСС Марказий Комитетининг миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш масалаларига бағишланадиган Пленуми олдидан

# ҚАЙТА ҚУРИШ ВА МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР

КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми мамлакатимиздаги ҳол-аҳвол ва шарт-шароитларни чуқур таҳлил қилиб, жамиятимиз кризисолди ҳолатида эканлигини ва бу ҳолатдан чиқиш учун кескин инқилобий ўзгаришлар ясаш кераклигини қайд этди. Ундан кейин бўлиб ўтган партия Марказий Комитети Пленумлари, КПСС XXVII съезди ва XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси, Апрель пленуми қабул қилган қарорларни янада тўлатди, бойитди, кўп нарсаларга аниқлик киритди.

Мана салкам тўрт йилдирки, мамлакатимизда революцион қайта қуриш амалга оширилмоқда, у йил сайин янада чуқурлашиб бормоқда.

Миллатлараро муносабатлар ана шу соҳалардан биридир. Лекин, қайта қуриш йўли эълон қилингандан сўнг, узоқ вақтгача бу соҳага тегишли ҳеч қандай масалалар ўртага ташланмай келди. Чунки, узоқ йиллар давомида, сталинизм ва турғунлик даврларида, биз ўзимизни ва бошқаларни СССРда миллий масала энг оқилона равишда ҳал этилиб, ленинча миллий сиёсат амалга оширилмоқда, деб астойдил ишонтирган эдик. Шунинг учун қайта қуриш фақат иқтисодга, саноат ва қишлоқ хўжалигидаги меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот сифатига, хўжалик механизми ва бюрократик аппаратни ихчамлаштиришга, уларнинг самарадорлигини кўтаришга тегишли, деб талқин қилардик.

Аммо, 1986 йил декабрь ойидаги Олмаота воқеалари, Арманистон ва Озарбайжондаги нохуш ҳаракатлар, Тоғли Қорабоғ, Болтиқбўйи республикалари ва бошқа бир қанча жойларда кечган жараёнлар, ўзгаришлар, чиқишлар, оммавий намойишлар миллатлараро муносабатлар соҳасида ҳам қатор муаммолар йиғилиб қолганидан дарак берди. Ҳозирги пайтда мамлакатимиздаги миллатлараро муносабатлар масаласи шундай кескинлик даражасига бордики, Совет ҳокимияти мавжуд бўлган етмиш бир йилдан ортиқ давр ичида ҳеч бир вақт бундай бўлмаган эди. КПСС Марказий Комитети, республика Компартиялари, жойлардаги партия ва совет ташкилотлари миллатлараро муносабатларнинг янада жиддийлашишига йўл қўймаслик учун барча тадбир-чораларни кўрмоқдалар.

Кўп совет кишилари миллатлараро муносабатларда рўй бераётган бу салбий воқеаларни ички изтироб билан қабул қилмоқдалар. Табиийки, улар миллатлараро муносабатлардаги кескинликнинг сабаблари нима, уларнинг илдизи қаерда, деб қизиқадилар. Бу кескинликларнинг илдизлари жуда чуқур бўлиб, улар турғунлик даври ва ундан ҳам узоқроқ, сталинизм йилларига бориб тақалади. Миллатлараро муносабатлардаги мавжуд кескинликлар тўғрисида сўзлар эканмиз, бизнинг фикримизча, тўрт асосий сабабга эътибор беришимиз зарур.

⊙ **БИРИНЧИДАН**, Совет давлати ниҳоятда кўпмиллатли, унда юздан ортиқ миллат ва элат истиқомат қилар экан, демак, миллатлараро муносабатлар масаласига доимий эътибор ажратилиши энг зарур вазифалардан биридир. Афсуски, бу қоидага риоя қилинмаган, узоқ даврлар давомида умумиттифоқ даражасида миллатлараро муносабатлар, уларнинг ривожланиш йўллари, миллатлар, элатлар, республикалар орасидаги иқтисодий, маънавий-маданий ва сиёсий-ижтимоий мулоқотлар масаласи, миллий онг ва миллий ўзини англаш, миллий психологиянинг социализм таъсирида ўзгариши каби кўплаб масалалар муҳокама қилинмаган, чуқур ўрганилмаган, бу соҳада илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилмаган.

Маълумки, мамлакатимизда миллий масалани ҳал этиш йўллари РКП (б) X съездида (1921 йил) ва XII съездида (1923 йил) муҳокама этилган эди ва жуда ҳам асосланган батафсил қарорлар қабул қилинган эди. Бу В. И. Ленин ҳаёт давридаги съездлар эди. Шундан кейин миллатлараро муносабатлар масаласи бир марта ҳам партия анжуманларида ёки Бутуниттифоқ кенгашларида чуқур ўрганилгани йўқ. XX съезддан то 1988 йилгача миллатлар, элатлар, уларнинг гуллаб-яшнаши, ихтиёрий яқинлашиши, республикалараро иқтисодий муносабатларнинг жадаллашиши тўғрисида кўп гапирилди, лекин булар асосан бор воқеаларни таъкидлаш, фақат яхши, ижодий фактларни бўрттириб кўрсатиш эди, салбий томонларни эса хаспўшлаб ўтишга ўзимизни ўргатдик.

Демак, 1923 йилдан то 1988 йилгача, яъни 65 йил давомида миллатлараро муносабатлар масаласи умумиттифоқий миқёсда чуқур таҳлил қилинмади. Фақат КПСС XIX конференциясидагина бу масала биринчи марта партия анжумани кун тартибига қўйилди. Ана шу сабабли 65 йил аста-секин майда ва ташқаридан сезилмайдиган масалалар йиғилиб борди, уларнинг кун тартибига қўйилмаслиги ва ҳал этилмаслиги турли миллат ва элатлар қаърида норозилик томчилари тўпланиб боришига сабабчи бўлди.

(Давоми 2-бетда).

**Замондошимиз**

⊙ Тошкент тепловоз депосининг машинисти, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳабибулла ИСАМУҲАМЕДОВ.



В. Молгачев фотоси.

# ҲАР БИРИМИЗ МАСЪУЛМИЗ

КПСС Марказий Комитетидаги учрашувда қатнашган тошкентлик тепловоз машинисти Ҳ. ИСАМУҲАМЕДОВ билан суҳбат.

**— КПСС Марказий Комитетида мамлакатимиз ишчилар синфининг энг яхши вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувдан хабаримиз бор. Унда қайта қуришнинг долзарб муаммолари ҳақида ишчилар ўз дилларида ва тилларининг учида турган ўй-фикрларини очиқ-ошкора айтдилар, жамиятни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш учун бундан буён қандай бунёдкорлик ишлари олиб бориш зарурлигига эътиборни қаратдилар. Ана шу учрашувда сиз ҳам қатнашдингиз. Ҳабибулла Олимжонович, аввало йўл ва бундай катта ҳаяжонлардан чарчамадингизми! Ахир, Михаил Сергеевич Горбачев ҳамда партиянинг бошқа арбоблари билан учрашишни ҳар бир ишчи, меҳнатчи орзу қилади-ку. Бундай шарафга аввало ҳар ким ҳам муяссар бўлавермайди, шундай эмасми!**

— Нимасини айтасиз! Бу бениҳоя қувонч, яшириб ўтирмайман. Ҳаяжоним ҳадсиз! Ҳозир сизга буни қандай сўзлар билан ифодалашни ҳам билмаяпман, очиғи...

**— Албатта, бу тушунарли.**

— Уйдагилар қандай севинишганини айтмайсизми? Кеннойингиз Дилбархон, катта ўғлим Фарҳод яқинда армия сафида хизмат қилиб қайтиб келган, қизларим Лайло, Лола, қўни-қўшни, ёр-дўстларим, қадрдонларимнинг қувончлари чексиз денг. Айниқса неварам Дониёрни соғиндим. Жуда ширин-да!

**— Москвадан қай пайтда етиб келдингиз!**

— Кечаси.

**— Уйга телеграмма бермаганмидингиз!**

— Йўқ, ҳеч нарса демовдим. Уларга бу ҳақда кейин гапириб бердим. Тўппа-тўғри, аэропортдан уйга келган заҳотиёқ. Уларнинг қанчалик ҳаяжонланишганини қўяверасиз.

**— Албатта, ҳаяжонингиз сабаби маълум. Бу—ҳаётингизда, менимча, энг унутилмас кун бўлиб қолади. Айтингчи, учрашув умуман қандай ўтди!**

— Э, сўраманг. Зўр, жуда зўр ўтди! Худди ўз уйимизда, даврада бемалол ўтириб, энг долзарб масалалар ҳақида суҳбатлашгандек денг!

**— Учрашув руҳи-чи, кайфият қандай бўлди!**

— Ниҳоят даражада очиқчасига ўтди. Кайфият ҳам аъло бўлди. Ҳар бир киши ўзини тўлқинлантирган саволни бериш, ўзини ўйлантираётган муаммони ўртоқларча ўртага ташлаш имкониятига эга эди. Учрашув шу даражада қизғин, баҳсли ўтдики, вақтнинг қандай тугаб қолганини ҳам сезмабмиз.

**— Ҳабибулла ака, сизга сўз қай тарзда берилди! Бу жуда қизиқ-да... Рўйхатга ёзилувдингизми, ёки...**

— Йўқ, ҳеч қанақа сўзга чиқувчиларнинг рўйхати тузилгани йўқ эди.

**— Ўзингиз сўз сўрадингизми!**

— Биласизми, менинг сўзга чиқишим қандай бўлди? Учрашув қизғин бораётган эди. Ишчиларнинг бу катта кенгашида кўп масалалар ўртага ташланди, матбуотда, телевидениеда танишгандирсиз. Бир пайт Болтиқбўйи республикаларидан кимдир (аниқ эсимда йўқ) сўзга чиқди. У регионал хўжалик ҳисобини баҳона қилиб туриб, аллақандай миллий маҳдудликдан дарак берувчи «миллий мустақиллик» ҳақида гапира бошлади. Худди шу пайтда мен қандай қўл кўтарганимни ўзим ҳам сезмай қолдим: чунки у мутлақо нотўғри фикрни илгари сураётган эди-да!

Менга сўз беришди. «Ахир, биз социализмда яшаяпмиз-у, ҳар бир республиканинг ўз территориясига ўралашиб қолиши мумкин эмаску, ахир», деб юбордим. Бу фикримни кўпчилик маъқуллади. Ахир, ўзингиз ўйланг: агар бизнинг республикамиз мамлакатга неча-неча йиллардан бери етиштириб бераётган пахтасини етказиб бермаса, бошқа иттифоқдош республикалар ҳам шундай қилса, унда нима бўлади? Шу оддий ҳақиқатни Болтиқбўйидаги дўстимиз тушуниб етмаганига ҳайронман, тавба!

**— Демак, бевосита унга муносабатингизни билдириш учун сўз сўрабсиз-да.**

— Ҳа, бу катта анжуманда сўзга чиқишимга шу нарса сабаб бўлди. Аммо кўнглимда айтаман деб ўйлаб юрган фикрларим кўп эди.

**— Улар орасида Михаил Сергеевич Горбачевга маъқул бўлган фикрлар ҳам борми!**

— Биласизми, у биргина мен билан эмас, индустрия, қурилиш, транспорт, кўпгина тармоқларнинг ишчилари билан бевосита мулоқотда бўлиб, уларнинг кўпгина фикрларини қўллаб-қувватлаб турди. Режаларимизга, таклифларимизга эътибор берди... Хуллас, қайта қуриш самарадорлигини оширишнинг ҳар бир имконияти синчиклаб биргаликда таҳлил этиб чиқилди. Мен темирйўлчиман. Табиийки, йиғилишда кўпроқ шу соҳа билан боғлиқ муаммолар ҳақида гапирдим.

**— Партиямиз ишчи, қўйингчи, қайта қуриш программасини амалга ошираётган ҳар бир меҳнатчи фикрига сезгирлик билан қулоқ солаётганини шу учрашув ҳам яққол кўрсатиб турибди. Мана, сиз Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Тошкент шаҳар партия комитети бюросининг аъзосисиз, Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг ҳам аъзосисиз. Турган гапки, сиз оддий тепловоз машинистигина эмас, жамоат ишларида ҳам фаол иш олиб бораётган, қайта қуришнинг актив кишисисиз. Демак, сизда масъулият, ҳозирги давр талабини тушуниш ҳисси ҳам кўпгина ҳамкасбларингизга нисбатан юқори бўлиши табиий. Шу маънода учрашувдан сиз республикамиз, шаҳримиз, қолаверса, ўзингиз учун нималар олдингиз!**

— Юқорида айтиб ўтганимдек, унда ўз кўнглимдаги гапни, яъни регионлар хўжалик ҳисоби муаммоси ҳақидаги фикримни айтганимдан мамнунман. Ҳозирги шароитда барча иттифоқдош республикалар ўртасидаги амалий алоқаларни мустаҳкамлаш муҳим. Негаки иттифоқдош республикалар ягона халқ хўжалиги комплексининг бўғинларидир.

Иккинчидан, қайта қуриш нима эканини, у бугун сиз билан биздан нималарни кутаётганини янада чуқурроқ ҳис этдим. Ҳар бир ишчи қайта қуришни қўллаб-қувватлашигина эмас, унинг учун астойдил жон куйдириши қанчалик муҳимлигини ўйладим. Мана, қаранг, мен пассажир составларни бошқараман. Аммо бу борада техника тараққиёти ҳали бизгача етиб келган эмас. Тепловозлар бор, аммо улар эски. 1967—1968 йилларда ишлаб чиқарилган ВЭЛ—6Клар билан юрибмиз. Уларни ишлаб чиқариш аллақачон тўхтаган. Темир йўлда илмий-техника ривожи қачон амалга ошади? Бу ҳақда жиддий ўйлаб кўриш вақти келди!

Иккинчидан, ишчи касби қадри ҳақида ўйладим. Ҳалол меҳнатимизга яраша жуда яхши маош оляпмиз. Бунинг учун партия ва ҳукуматимизга раҳмат. Аммо шунча йил фидокорона ишлаб, яхши маош олиб келган ҳамкасбларимиз пенсияга чиққач, камроқ пенсия олишяпти. Ҳолбуки бозорда картошка, олма ва бошқаларнинг нарх-навоси ошиб кетди. Демак, бу ҳам ўйлаб кўриладиган жиддий муаммо.

Шаҳар партия комитети бюросининг аъзоси сифатида баъзи молларнинг сунъий тахчиллиги ҳақида ҳам ўйлаяпман. Қаранг, бутун мамлакат бўйича моллар ишлаб чиқариш анча кўпаяптику, аммо шаҳримизда оддий совун, порошок ва бошқалар тахчиллигини тушуниб бўлмайди. Демак, бундай моллар қаёққа кетаётгани, қандай сарф бўлаётгани ҳақида ҳам сиз-у биз ўйламасак, ким ўйлайди? Кўрдингизми, қайта қуриш муваффақияти ҳар биримизга боғлиқ экан? Бунга ҳар биримиз масъулмиз.

Бундай ҳал қилиниши зарур бўлган масалалар эса ҳали кўп...

**— Қайта қуриш ишида сизга куч-ғайрат тилаймиз.**

— Раҳмат!

**Суҳбатни «Тошкент оқшоми» мухбири Ҳамид ИКРОМОВ олиб борди.**

# Буюк Ипак йўли бўйлаб

Тошкент шаҳридаги 125-мактаб ўқувчилари ўз ўлкалари тарихини фақат китоблар ёрдамида ўрганаётганлари йўқ. Ўқитувчи В. Захарченко археологлар, санъатшунослар ҳамда этнографлар билан биргаликда уюштираётган илмий экспедицияларда ўқувчиларни ўлкашунослик ишлари билан таништирмоқда. Ўқувчиларнинг кўз ўнгида ўтмишнинг қизиқарли саҳифалари очилмоқда. Ана шундай экспедицияларнинг бирида улар Буюк Ипак йўлидан ўтдилар. Ёш ўлкашунослар Самарқанд, Бухоро, қадимий Пайкенд шаҳристонини ўргандилар. Улар жуда кўп материал тўплашди. Материаллар ёдгорликларни қандай муҳофаза этиш ҳақидаги таклифларга қўшиб олимларга топширилди.

(ЎзТАГ).

